


ЎЗБЕКИСТОН
БЕҲИСИ

В. В. КУЗНЕЦОВ

634.1
К-891

ЎЗБЕКИСТОН
БЕҲИСИ

Dr 20452/1



„ЎЗБЕКИСТОН“ НАШРИЁТИ
Тошкент—1967

0,18—1,6, ошловчи моддалар 0,4—1,7 ва пропектин 0,4—0,7 процентгача бўлади.

Ўзбекистонда беҳи дарахтлари фақат суғориладиган ерларда, асосан денгиз сатҳидан 360—1000 метр баландликда ўстирилади. 1000 метрдан юқорида — ёзги ҳароратнинг умумий миқдори қуйироқ зонадагидан камроқ бўлган Сўх, Нанай, Бўстонлик, Паркент сингари тоғли районларда — беҳининг асосан тезпишар ва майда мева берадиган турлари етиштирилади.

Ўзбекистонда беҳизорлардан йилига 2,5—4 минг тоннагача мева олинади. Республикадаги консерва заводларида қайта ишланадиган беҳининг миқдори баъзи йиллари минг тоннага етади, бу маҳсулотнинг 90 процентдан зиёдроғи Фарғона водийсидаги заводларда хом ашё сифатида фойдаланилади.

БЕҲИНИНГ ҚЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА БОТАНИК ТАЪРИФИ

Беҳи 4000 йилдан кўпроқ вақтдан бери ўстирилиб келинаётган энг қадимги мева дарахтларидан биридир. У Ўрта Осиёда бизнинг эрамиздан анча илгари ўстирила бошланган. Ўрта Осиёга бу ўсимлик Жанубий Эрон ёки Копетдоғдан келтирилган бўлса керак. Беҳи азалдан ўстирилиши ва кўпайтирилиши туфайли унинг маҳаллий шарт-шароитларга уйғунлашган маданий турлари яратилган. Ўзбекистонда асосан оддий беҳи етиштирилади. Япон беҳиси эса ботаника боғларида ва баъзи ҳаваскор боғбонларнинг томорқа участкаларида манзарали бута тарзида ўстирилмоқда.

Ўзбекистонда оддий беҳи бир неча танали йирик бута, кўпинча баландлиги 6—8 метргача етадиган якка танали дарахт сифатида ўстирилади. Унинг шох-шаббалари пирамида шаклида, тарвақайлаб ҳам ўсади. Ёғочлиги оқ ва қаттиқ; қари дарахтларининг пўстлоғи қўнғир кул ранг, кўкиш тусда товланиб

туради; ён новдалари кўкиш кул ранг ва сер-тук, қўнғир тусда товланиб туради; барг шапалоқлари эса ўртача катталиқда ва йирик, чўзиқ тухумсимондан тортиб кенг эллипс шаклгача кўринишда, четлари текис ёки кип-риксимон кертикчали бўлади. Ёш барглари оқ тукчалар билан қалин қопланган, бу тукчалар баргларнинг орқа томонидагина кузгача сақланади.

Гуллари кўпинча якка-якка жойлашади (бешта йирик гултожибарг ҳосил қилади), оқ ёки пушти рангда, томирлари тўқ пушти рангда, гулбанди калта, деярли тик жойлашган. Гуллари баргларидан кечроқ, барг қўлтиқларида ривожланади.

Мевалари сариқ, одатда тиниқ кул ранг тукчалар билан қалин қопланган, олмасимон ясси-думалоқдан тортиб ноксимон чўзинчоқ шаклгача эга. Майда мевалари 35—40, йирик-лари эса 600—870 грамм келади.

Эти оқ ёки оч сариқ тусда, зич, туруш, хушбўй, ичида қаттиқ заррачалар бор, маза-си ҳар хил.

Уруғдони анча катта бўлиб, унда кўп сонли уруғлар икки қатор жойлашган, уларнинг сирти ёпишқоқ модда билан қопланган.

БЕҲИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Беҳи — иссиқсевар ўсимлик. Бироқ унинг баъзи турлари анча шимолийроқ кенгликларда — Шимолий Кавказ ва Поволжьеда (И. В. Мичурин етиштирган, совуққа чидамли нав-лар эса бундан ҳам шимолроқда) бемалол ўсиб, мўл ҳосил беради.

Беҳини яхши суғориладиган ёки серёғин районларда ўстириш тавсия қилинади. У тупроқнинг шўрланиши ва ерни қисқа вақт сувга бостириб қўйишга ҳам бардош беради. Танаси шикастланган ёки қуриган беҳи дарахти илдизидан кўклаб, анча тез тикланади.

Беҳининг ҳосилга кириши. Пайвандланган кўчатлар, экилгандан кейин, учинчи ёки тўртинчи йили мева беради. Уруғидан ўстирилган дарахтлар бирмунча кечроқ, беш-олти йилдан сўнггина ҳосилга киради, етти-ўн йилда тўла ҳосил бера бошлайди ва 25—30 йилгача ўсади. Беҳи дарахтлари 35—40 йилгача мева қилади. Ўз илдизидан ўсганлари узоқ яшаш жиҳатидан олма дарахтидан деярли қолишмайди. Баъзи беҳи дарахтлари 50—60 йил яшайди.

Беҳи кўчат қилинган, дастлабки йилларда новдалари анча тез ўсади, кейинчалик уларнинг ўсиши секинлашади. Илгор агротехника қўлланилганида новдалар бутун ўсув даврида ривожланаверади. Ёш дарахтларнинг новдалари йил сайин 90—100 сантиметр ва бундан ҳам кўпроқ, 10—12 яшар дарахтларники эса 30—80 сантиметр ўсади. Қариб қолган дарахтларнинг новдалари секинроқ ўсиб, уларнинг таналарида эркак новдалар, илдиз бўғизи ёнида эса бачки новдалар пайдо бўлади.

Кўкламда, ўсув даври бошланиши билан, беҳи дарахтидаги ҳамма ўсув куртаклари айни бир вақтда уйғонмай, бу жараён 2—3 ҳафтага чўзилади. Баъзи йилларда куртакларнинг бир қисми, асосан новданинг пастки қисмидаги куртаклар ёзилмайди, натижада

новда яланғочланиб қолади. Бунга куртакларнинг сустривожланганлиги сабаб бўлади. Анча узун ўсган новдаларда бу ҳол кўзга айниқса яққол ташланади. Шу бонсдан ортиқча ўсаётган новдаларни йил сайин қисқартиш ва ёзда чилпиб туриш зарур.

Дарахтнинг ўсиш кучи ва новдаларнинг ҳар йили қанчалик ўсиши ернинг унумдорлиги, қўлланилаётган агротехника ва беҳининг нав хусусиятларига боғлиқ. Беҳининг илдизи юза таралиб, зич бўлиб ва кўпдан-кўп патак илдизчалар чиқариб ўсади. Илдизнинг асосий қисми 20—70, баъзан 110—160 сантиметр чуқурликкача киради. Битта илдизнинг узунлиги 300 сантиметрга, ҳамма асосий илдизларнинг умумий узунлиги эса 494 метрга етади. Беҳи дарахти тўла ҳосил бера бошлаганида илдизлари қатор ораларини тўла банд қилиб, қўш-ни қаторлардаги илдизлар туталиб кетади.

Тупроқ бетидан 15—20 сантиметр чуқурликда таралган илдизларнинг кўпчилиги бачкилайди, 30—50 сантиметр чуқурликда жойлашган илдизларнинг аксариятида буқоқчалар пайдо бўлади. Илдиз бачкилари кўчат ўтказилгандан кейин, иккинчи йили, кўпаяди, ёз мобайнида уларни бир неча марта олиб ташлашга тўғри келади.

Беҳи дарахтида ўсув даври, бошқа уруғли мева дарахтларидагига нисбатан, анча кеч бошланади. Беҳи гулга киргандан бошлаб мевалари пишиб етилгунча 5—6 ой вақт ўтади. Унинг ўсув даври ҳам кеч тугайди. Баъзан барглар музласа ҳам, қишда анчагача тўкилмайди. Одатда, барглар тўкилишдан олдин

сарғаяди, уларнинг томирлари қизаради. Беҳи дарахти мева куртакларининг жойла- ниш тартиби ва гуллаш жиҳатидан ҳам олма ва нокдан кескин фарқ қилади. Олма ва нок дарахтларида мева куртаклари гуллашидан бир йил олдин пайдо бўлади. Мева куртакла- ри, ўсув куртакларига нисбатан, анча катта. Улар шу билан ҳам бир-бирларидан кескин ажралиб туради. Беҳи дарахтида ҳамма кур- такларнинг ташқи кўриниши бир хил. Шу сабабли кўкламда ўсув куртакларини мева куртакларидан фарқлаб бўлмайди. Беҳининг гуллари новдаларнинг ўтган йили ўсган қисми- да, ён мева шохчалари ва чивикчаларда пайдо бўлади. Кўкламда, одатда мартда, куртаклар- дан новдалар ўсиб чиқиб, барг ёзади. Бу нов- далар 6—15 сантиметрга етганда уларнинг уч- ларида гуллар пайдо бўлади. Ана шу зайлда беҳи гуллагунча анча кўп — 1,5—2 ой вақт ўтади.

Новдалар мева туккандан сўнг йўғонла- шиб, ўсишдан тўхтайдди. Новда учуда мева тугилмаса, унинг ён куртакларидан бири ри- вожлана бошлайди ва кузга бориб узун шох ҳосил қилади. Баъзан мева туккан новда ҳам ён томонга қараб ўсади.

Мева шохлари 5—8 йилгача ҳосил бериб, сўнгга қурийдди. Шу сабабли уларни йил са- йин ўстириб туришга алоҳида эътибор бериш, мева шохларининг пастки қисмида ён мева новдачалари ҳосил қилиш учун уларни ўз вақтида қисқартириш зарур.

Беҳи дарахтининг ижобий хусусияти шун- даки, у, олма ва нокка нисбатан, анча кеч —

одатда апрель ўрталарида, кўкламги қора совуқлардан кейин — гуллайди. Бироқ об-ҳаво шароитига қараб, беҳининг гуллаш муддатлари айрим йилларда жуда ўзгариб туради.

Беҳининг ҳамма навлари айни бир вақтда фарқ гулга киради, бу эса уларнинг четдан чангланиши ва мўл мева тугишини таъминлайди. Беҳи ортиқча иссиқ бўлмаган илиқ кунларда яхши гуллайди ва очилган гуллари кўнгилдагидек чангланади. Бундай шароитда гуллар секин очилади, дарахтнинг тўла гуллаши 12—15 кунга чўзилади. Беҳи гуллаётганда ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ ва қуруқ бўлса, бунинг устига шамол ҳам эсиб турса, гуллар яхши чангланмайди ва кам мева тугади.

Баъзан беҳи кўп гул чиқарса ҳам, гуллари-нинг аксарияти тўкилиб кетади ва ҳосил камаяди. Бунга сабаб ёш новдаларнинг гуллай бошлагунча жуда нозиклигидир. Улар эрта (март бошида) ўса бошлайди, баъзан ёш новдаларни кўкламдаги қора совуқлар зарарлайди. Бундай шароитда ҳам гуллар нормал ривожлана олмасдан тўкилади.

Беҳи — энтомофил ўсимлик, унинг гўзал, йирик, хушбўй оч пушти гуллари ҳашаротларни, биринчи галда асалари ва қовоқариларни ўзига жазб этади.

Ўзбекистоннинг турли районларида ҳар хил навли беҳи гуллари-ни чангланиш характери-ни ўрганиш юзасидан ўтказилган тажрибалар меваларнинг тугилиш даражаларида жуда катта фарқ борлигини ва у баъзи йиллари 3,8 дан 31,4 процентгача етганлигини кўрсатди. Шу сабабли боғларга беҳининг бир хили-

гина эмас, балки турли навларини ўтқозиш зарур. Шундай қилинганда унинг четдан чангланиши ва муттасил мўл ҳосил бериши учун зарур шарт-шароит яратилади.

Беҳи меваларининг пиша бошлаши ва уларни узиб-териб олиш сентябрнинг биринчи ўн кунлиги охирига тўғри келади, одатда бу муддат ноябрнинг бошларигача давом этади.

Эртапишар навлар. Ширин беҳи, Оддий Наманган беҳиси ва бошқа эртапишар навларнинг мевалари 10—30 сентябрда етилади. Улар асосан янгилигича истеъмол қилинади. Қайта ишлаш ва бошқа ерларга жўнатиш учун унчалик мувофиқ эмас, одатда маҳаллий бозорларда сотилади.

Ўртапишар навлар. Нордон беҳи, Йирик Қува беҳиси, Йирик Тошкент беҳиси ва Турруш беҳи каби ўртапишар навларнинг мевалари 25 сентябрдан 25 октябргача етилади. Янги узилганда улар унчалик ейишлик эмас, шу сабабли бирмунча вақт сақланиб¹, тўла етилтирилгандан сўнггина истеъмол қилинади. Мевалари узоқ жойларга жўнатишда бузилмайди, асосан консерва тайёрлаш учун ишлатилади.

Кечпишар навлар. Бу хил беҳилар Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё областларида етиштирилган, мевалари октябрнинг иккинчи ярмидан ноябрь бошларигача пишади. Янги узилган мевалари бирмунча вақт сақлангандан кейин истеъмол қилинади ва қайта ишланади. Узоқ жойларга жўнатишга яроқли.

¹ Қанча вақт сақланиши беҳининг нав хусусиятларига боғлиқ.

**Ўзбекистонда янги узилган беҳи меваларининг
бузилмай сақланиш муддати**

Навлар	Бузилмай сақ- ланиш мудда- ти, кун ҳисо- бида	Суви қочи- ши, % ҳи- собида
Ширин беҳи	30—60	16,2
Шўр беҳи	60	—
Нон беҳи	60	6,3
Оддий Қува беҳиси	80	—
Нордон Самарқанд беҳиси	80	—
Пахта беҳи	83	14,3
Қизилқўрғон беҳиси	90	9,9
Йирик Қува беҳиси	90	—
Нордон беҳи	100	—
Йирик Самарқанд беҳиси	120	9,2
Туруш беҳи	120	13,4
Кечки Бадал беҳи	130	—
Олма беҳи	140	—
Олмурут беҳи	150	—
Кечпишар беҳи	150	—

Иқлим шароити, дарахтнинг ёши, унга қандай (пакана ёки баланд танали қилиб) шакл берилиши, шунингдек қўлланилаётган агро-техника тадбирлари ва ҳоказоларга қараб беҳи ҳосилдорлиги ўзгаради.

Дарахтларнинг якка ёки бир неча танали қилиб ўстирилиши ва қандай қалинликда эки-лиши ҳам ҳосилдорликка жуда катта таъсир этади.

Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида ўсув даври 200 кун ва ундан ҳам ортиқ давом эти-ши беҳининг йирик мевали ҳамда қимматбаҳо навларини ўстириш учун жуда қулай.

Ўзбекистон шароитида беҳи 27 даражагача совуққа бардош беради. Ҳарорат бундан ҳам пасайганда куртакларни, температура —30 даражага тушганда эса бир йиллик, шунингдек янада қарироқ новдаларни совуқ уради.

Унчалик қаттиқ бўлмаган кузги қора совуқлар беҳи меваларига деярли зарар етказмайди. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, олма ва нок 1,93—1,97, беҳи эса 2,2 даража совуқда музлайди.

Ўзбекистонда ёзнинг иссиқ кунларида беҳи етарли миқдорда суғориб турилса, яхши ўсади ва мўл ҳосил беради.

Беҳи — ёруғликсевар ўсимлик. Кўчатлари қалин қилиб ўтқазилганда уларнинг шох-шаббалари суст ривожланади ёки бир томонга қараб ўсади, шохларнинг пастки қисмлари жуда яланғочланиб қолади; шох-шаббаларининг учидагина мева тугади. Мева ҳамда дарахтлари касаллик ва зараркунандалардан қаттиқ шикастланади. Дарахтлар қалин қилиб ўтқазилган беҳизорларнинг мевалари майда ва бемаза бўлади.

Беҳи намталаб ўсимлик. Чунки унинг илдизлари тупроқнинг юза қаватига таралиб ўсади. Узоқ вақт қондириб суғорилмаса, мевалари майдалашади, чала етилади, ҳатто ейишга ярамайдиган ҳам бўлиб қолади. Уларнинг сифатига ҳаво ҳам таъсир этади. Жуда сернам районларда меваларнинг хушбўйлиги ва мазаси пасаяди, суғориладиган, қуруқ ҳаволи районларда улар хушбўй ва серқанд бўлади, мева ҳамда дарахтлар касалланмайди. Беҳи етарли даражада суғориб турилса,

тупроғи турлича бўлишига қарамай, Ўзбекистоннинг ҳамма районларида яхши ўсади. Бироқ, яхлит шағал қатлам анча юза (20—30 сантиметр чуқурликда) жойлашган ерларда дуруст ривожланмайди. Оз-моз қум аралашган ва озиқ моддаларга бой бўлган бўз тупроқ ерлар беҳи экиш учун ниҳоятда қулай.

Фарғона областининг Қува районидаги Октябрь қишлоқ совети ҳамда Наманган, Андижон ва ўзга районларда, Тошкент областининг Янгийўл районида, Самарқанд шаҳари атрофида етарли миқдорда сув билан таъминланган бўз тупроқ ерларда беҳи дарахтлари анча баланд бўлиб ўсади, мўл ва аъло сифатли мева беради. У тоғ этакларидаги районларда ҳам яхши ўсади. Бу районлар асосан тош ва шағал аралаш унумдор бўз тупроқ ерлардан иборат.

Беҳи кўчатларини қайрларга, сизот сувлар юза жойлашган ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларга экиш унчалик яхши натижа бермайди. Масалан, Тошкент областидаги «Янгийўл» боғдорчилик совхозиди айниқса баҳор-ёз фаслларида сизот сувлар анча юқори кўтарилади (ер бетидан 60 сантиметр чуқурликда бўлади). Натижада айрим беҳи дарахтлари қуриб қолади, куртак ва новдаларнинг кўпчилиги музлайди. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорлигининг анча пасайишига олиб келади. Шу сабабли беҳи кўчатларини сизот сувлар камида 1—1,5 метр чуқурликда жойлашган ерларга ўтқазиш тавсия қилинади.

Беҳи, афтидан, тупроғи бирмунча шўрланган ерларда ҳам, бошқа мевали дарахтларга нис-

батан, яхшироқ ўсади. Бу, Бухоро, Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда ўтказилган тажриба натижалари билан исботланди. Масалан, Н. В. Ковалевнинг таъкидлашча, Амударё қайрида мевали дарахтлар тупроқдаги тузларнинг миқдори 0,5—0,7 процентдан ошмаганда, шу жумладан хлор 0,01—0,04 процент бўлганда кўкараверади. Хлор миқдори бундан ортганда мевали дарахтлар заифлашади ва қуриydi.

Бироқ мавсумий шўрланишда (тупроқ таркибида сувда эрийдиган тузлар 0,2—0,3 процентдан ортмайди) мевали дарахтлар яхши ўсади ва мўл ҳосил беради.

Т. И. Гориннинг Астрахань областида ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, умумий шўрланиш даражаси 0,07—0,16, шу жумладан таркибидаги хлор миқдори 0,009 процент бўлган ерларда 20 яшар беҳи дарахтлари яхши ўсиб мева берган. Тупроқнинг 70 сантиметрдан чуқурроқ қатламида тузлар миқдори ортиб 0,7 процентга етганда беҳи шохларининг учлари қуриб қолган, дарахтларнинг ўсиши секинлашган, мева ҳосили камайган.

Ўзбекистонда беҳи асосан пайвандлаш (куртак пайванд қилиш) йўли билан, қисман илдиз бачкиларидан, шунингдек уруғидан кўпайтирилади. Қаламча қилиб кўпайтириш усули қўлланилмайди.

БЕҲИ НАВЛАРИ

Ўзбекистонда беҳи қадимдан бери ўстирилиб ва уруғидан кўпайтирилиб келинади. Шу туфайли унинг тур ҳамда навлари жуда кўп.

Эндиликда беҳининг уруғидан ўстирилган майда мевали навлари билан бир қаторда жуда қимматли янги навлари ҳам бор. Бироқ бу навлар устида селекция ишлари олиб бориш талаб қилинади. Баъзи қишлоқ ва колхозларда беҳининг бир-икки хил нави, бошқа навларга қараганда, кўпроқ ўстирилади: беҳизорларнинг 60—90 процентини ташкил қилади. Меваларининг йирик-майдалиги ҳам жуда хилма-хил, ҳар қайсисининг вазни 35 дан 870 граммгача боради. Кўпчилик навларнинг мевалари ўртача катталиқда бўлади. Лекин шуни уқтириб ўтиш керакки, меваларининг йириклиги навларнинг бошқа белгиларига, жумладан, ҳосилдорлигига унчалик мос келмайди. Меваларининг йириклиги ўртача (250—300 грамм) бўлган навлар мўл ва анча сифатли ҳосил беради.


Ўзбекистон беҳиларининг химиявий таркиби айрим йиллардаги об-ҳаво шароитларига қараб ўзгариб туради. Уларда, Қрим ва Закавказье беҳиларидагига нисбатан, қанд миқдори кўпроқ — 8,47—15,52 процент, таркибидаги қуруқ модда миқдори 15,09—21,82 процент доирасида ўзгариб туради. Кечпишар навларнинг меваларида қуруқ модда, тезпишар навларникидагига нисбатан, зиёдроқ бўлади. Мевалардаги умумий кислота миқдори 0,18 дан 1,6 процентгача боради. Консерва тайёрлаш учун мўлжалланган меваларнинг химиявий таркибидаги моддалар орасида кислота энг муҳим роль ўйнайди. Янги узилган 1 килограмм беҳида 100—200 миллиграммгача С витамини бор.

Ширин ва қимизак беҳи навларининг кўпчилигидан олинган меваларни узилиши биланоқ истеъмол қилиш мумкин. Таркибидаги кислота миқдори 0,5 процентдан кам бўлмаган, нордон ва қимизак беҳилар (Йирик Самарқанд беҳиси, Туруш беҳи ва бошқалар)дан консерва тайёрлаш айниқса мақсадга мувофиқдир.

Ширин беҳи — тезпишар нав бўлиб, Наманган районида энг кўп ўстирилади, республикадаги деярли ҳамма боғларда битта-яримта учраб туради.

Меваларининг йириклиги ўртача, ҳар қайсисининг оғирлиги 130—180 грамм келади, ташқи кўриниши жуда хилма-хил, кўпинча нокка ўхшайди; қирралари салгина билиниб туради, пўсти сертук ва кўкиш сариқ.

Эти ширин, қимизак, сал хушбўй, юмшоқ ва бирмунча донатор.



Ширин беҳи.


Меваси сентябрнинг иккинчи ярмида етилади, узиб олинishi биланоқ истеъмол қилишга ярайди. Мўл ҳосил беради. Мевасининг таркибида 18,26 процент қуруқ модда, 11,72 процент қанд ва 0,20 процент кислота бор. Янги узилган меваси узоғи билан бир ойгача сақланади, бошқа жойларга жўнатишда тез бузилади, компот ва мураббо тайёрлаш учун унчалик мос келмайди, етиштирилган жойининг ўзида истеъмол қилинади.

Ширин беҳини Ўзбекистоннинг барча районларида маҳаллий аҳамиятдаги эртаги нав тарзида ўстирса бўлади.

Нордон беҳи — ўртапишар нав бўлиб, Наманган районида ўстирилади. Йил сайин мўл ҳосил беради, мевалари қайта ишлаш учун ярайди, узоқ вақт бузилмай сақланади, бошқа жойларга жўнатиш учун ҳам чидамли.

Меваларининг йириклиги ўртача, ҳар қайсисининг оғирлиги 140—200 грамм келади, кўриниши асосан олмага ўхшайди, лекин уларнинг йириклиги ва шакли, ҳатто бир дарахтнинг ўзида ҳам, жуда хилма-хил бўлади. Пўсти юпқа, пишиқ, дастлаб кўкиш сариқ тусда бўлади, мева етилганида оч сариқ тусга киради. Сирти тўкилмай сақланадиган хира сариқ тўкчалар билан қопланган. Эти сарғиш оқ тусда, ўртача зич, хушбўй, ўртача ширали, қимизак, карсиллайди. Мевалари етилиши билан истеъмол қилинади.

Дарахти 4—5 метр баландликкача ўсади. Анча қариб қолганларининг танаси унчалик буралиб турмайди. Ёш дарахтларининг шохшаббаси кенг пирамида кўринишида, катта



Нордон беҳи.

дарахтлариники эса думалоқ шаклда, пастки шохлари осилиб туради. Шохлари зич ва сербарг. Кўчатлари экилгач, тўрт-беш йилда ҳосилга киради. Йил сайин ҳосил беради. Одатда, апрелнинг иккинчи ёки учинчи ўн кунлигида гуллайди.


Ҳосили сентябрь охирида, кўпинча октябрнинг биринчи ярмида териб олинади ва декабрь охиригача бузилмай сақланади. Мевасининг таркибида 16,6—21,9 процент қуруқ модда, 0,4—12,46 процент қанд ва 0,41—0,67 процент кислота бор. Ундан аъло сифатли компот ва мураббо тайёрланади, мевасининг бир қисми бошқа жойларга жўнатилади.

Бу навни Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ўстирса бўлади.

Оддий Қува беҳиси — ўрта муддатда пишадиган жуда яхши хўраки нав, Фарғона облас-

тининг Қува районидаги Октябрь қишлоқ советида энг кўп ўстирилади.

Дарахти анча баланд танали, ҳатто қаровсиз қолган боғларда ҳам 5—6 метргача ўсади. Асосий танасининг бўйи 1,5—2 метр келади. Қўчат қилингандан кейин, уч-тўрт йилда ҳосилга киради. Йил сайин мева қилади. Анча серҳосил: ҳар бир дарахтидан 150—200 килограммгача мева олинади. Қум аралаш енгил тупроқли ерларда, мунтазам равишда ўғит солиниб турганда, яхши ўсади. Дарахти ниҳоятда сувталаб, меваларини узиб-териб олишга 1—1,5 ой қолганда уни қондириб суғориб туриш зарур. Унумдор ерларда, хусусан ўсув даври охирида, сув билан етарли миқдорда таъминланганида мўл ҳосил беради, мевалари йирик ва яхши етилган бўлади.



Оддий Қува беҳиси.

Оддий Қува беҳиси апрель охири ва май бошларида гуллайди. Баъзи йиллари гулкосаларини кўкламги қора совуқлар зарарлайди. Натижада гуллари тўкилиб кетади.

Дарахтидаги меваларнинг етилиши анча узоққа чўзилади, лекин об-ҳаво шароитига қараб, мевалари октябрь боши — ўрталарида ялли териб олинади. Уларни узиб олиш биланоқ еса бўлади.

Меваларининг ўртача вазни 150—180 грамм; бироқ йириклиги, ҳатто бир дарахтнинг ўзида ҳам, жуда хилма-хил; юқориги ва пастки қисмлари қирраланиб туради, шакли олмага ўхшайди, ейиш учун ярайдиган даражага келганда пўсти оч сариқ тусда, юпқа, туклилиги эса ўртача бўлади.

Эти оқ, бирмунча хушбўй, ширин, салгина нордон ва донатор.

Мевалари 3 ойгача бузилмай сақланади, узоқ жойларга жўнатишга чидамли.

Мевасининг таркибида 19—21 процент қуруқ модда, 8,5—10,5 процент қанд ва 0,57—0,71 процент кислота бор. Мевалари асосан узиб олиниши биланоқ истеъмол қилинади; консерва тайёрлаш учун ҳам ярайди, бошқа районларга кўплаб жўнатилади.

Оддий Қува беҳисини биринчи галда Фарғона водийсида ўстириш тавсия қилинади.


Йирик Қува беҳиси — Фарғона областининг Қува районида етиштирилади.

Дарахти кенг, думалоқ шох-шабба ҳосил қилиб, 7 метр баландликкача ўсади; ёш дарахтларининг шох-шаббаси кенг пирамида кўринишига эга.

Йирик Қува беҳиси бошқа навлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: дарахти сийрақроқ шохлаб кучли ривожланади, пўстлоғи тўқ кулранг бўлади, кўчат қилингандан кейин кечроқ — олти-саккиз йилда ҳосилга киради. Йил сайин (лекин ҳар икки йилнинг бирида кўпроқ) ҳосил беради. Умуман олганда ҳосилдорлиги ўртача, дарахти 60 йилгача яшайди.

Бошқа навларга қараганда 3—4 кун эртароқ, апрелнинг иккинчи яримларида гуллайди. Гул куртаклари кўкламги қора совуқлардан қаттиқроқ зарарланади. Шу сабабли бу навни анча илиқ районлар (Фарғона водийси)да ўстириш тавсия қилинади.

Мевалари йирик, нок кўринишида бўлиб, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 200—



Йирик Қува беҳиси.

300 грамм келади, кўпчилигининг вазни 600 граммга боради. Меваларининг йириклиги ва шакли жуда хилма-хил, пўсти юпқа, нозик, силлиқ, ўртача тукли. Мевалари янги узиб олинганида кўкиш сариқ тусда бўлиб, бирмунча вақт сақланганида оч сариқ рангга киради. Туклари тўқ сариқ тусда, артилганда осонгина тўкилиб кетади.

Эти оч сариқ, ўртача зич, сершира, нордончучук, хушбўй. Янги узилган меваларининг эти салгина тахир бўлиб, улар бирмунча вақт сақланганидан сўнг бу тахирлик йўқолади.

Йирик Қува беҳиси кечпишар нав ҳисобланади, мевалари октябрь ойи мобайнида пишади. Уларнинг ҳаммаси айни бир вақтда етилмаганлиги сабабли (пишганлари тўкилади), танлаб узилади. Меваси узоқ жойларга жўнатиш учун чидамли, таркибиди 16—17,7 процент қуруқ модда, 10,5—11 процент қанд, 0,50—0,83 процент кислота бор.

Меваларини консерва тайёрлаш учун ишлатиш мумкин. Йирик Қува беҳисидан тажриба учун тайёрланган компотлар 3,5—4 балл билан баҳоланди.

Йирик Самарқанд беҳиси. Дарахти 6—7 метр баландликкача ўсади. Кўчатлари, ўтқазилгандан кейин, олти-етти йилда ҳосилга киради.

Ҳар йили мева қилади, лекин йил оралаб мўл ҳосил беради. Апрель охири — май бошларида гуллайди. Баъзи йиллари гулкосаларини кўкламги қора совуқлар уриб кетади, натижада ҳосили қисман ёки тамоман нобуд бўлади.

Мевалари йирик, нок кўринишида, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 250—300 грамм келади, баъзиларининг вазни 400 граммга етади. Уларнинг сирти кўпинча силлиқ бўлади, қисман ғадир-будур ва қиррали мевалари ҳам учрайди. Меваси узиб олинган пайтда оч сариқ тусда бўлиб, бирмунча вақт сақланганидан кейин тўқ сариқ рангга киради. Пўсти сертук, юпқа, нозик. Эти оч сарғиш, донатор, салгина нордон, ўртача ширали, хушбўй, баъзан салгина тахир бўлади.

Меваси октябрнинг биринчи ярмида териб олинади ва февралгача бузилмай сақланади. Унинг таркибида 17,74 процент қуруқ модда, 12,02 процент қанд ва 0,78 процент кислота бор.

Мевалари ҳўллигида истеъмол қилинади, консерва тайёрлаш учун ишлатилади ҳамда четга жўнатилади. Бу навнинг меваларидан тайёрланган компотлар 3,5—4, мураббо эса 4 балл билан баҳоланади. Компоти одатда тиниқ ва хушбўй бўлади.

Йирик Самарқанд беҳисини Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент областларида ўстириш тавсия қилинади.

Туруш ёки ачиқ беҳи — кечпишар нав, Бухоро районида анча кўп ўстирилади.

Дарахти ўртача баландликда, баъзан бута шаклида бўлади. Шох-шаббаси кенг, думалоқ. Асосий бутоқлари тарвақайлаб ўсади. Ўртача шохлайди, шохлари сербарг. Танаси салгина буралиб туради. Кўчати ўтқазилгандан кейин, беш-олти йилда ҳосилга киради. Одатда, йил оралаб мева қилади. Ҳосилдор-

лиги ўртача. Апрель охири — май бошларида гуллайди.

Меваларининг йириклиги ўртача, ҳар қайсисининг оғирлиги 150—180 грамм келади, баъзиларининг вазни 250 граммгача етади. Пўсти юпқа, силлиқ, хира. Янги узиб олинган мевалари сарғиш яшил тусда бўлиб, бирмунча вақт сақлангандан сўнг оч сариқ тусга киради. Пўсти кулранг тукчалар билан қалин қопланган, бу туклар фақат мева етилганидан кейингина артилади.


Эти оқ сарғиш тусда товланиб туради, зич, бирмунча дағал, ўртача ширали, нордон-чу-чук, хушбўй.

Йилнинг келиши ва ўстирилаётган райони-га қараб, мевалари (узоқ жойларга жўнатиш учун чидамли) октябрь ойида терилади; аччиқроқлари узилгандан кейин декабрь ойига-ча сақланса, яхши пишади, февраль охирларигача бузилмайди. Мевасининг таркибида 18,1 процент қуруқ модда, 9,3 процент қанд ва 0,81—0,86 процент кислота бор.

Чала пишган меваларининг эти берч бўлади. Узиб олингач, 1—1,5 ой сақлангандан кейингина улар консерва тайёрлашга ярайди.

Олмасимон Хоразм беҳиси — Олма беҳи. Хоразм воҳасида тарқалган нав бўлиб, дарахти 4—5 метр баландликкача ўсади. Кўчати, ўтқазилганидан кейин, тўрт-беш йилда ҳосилга киради. Майнинг биринчи ўн кунлигида гуллайди.

Мевалари думалоқ-сал ялпоқроқ, йирик ва ўртача катталиқда бўлиб, ҳар бирининг вазни 250—300 грамм келади, сирти ғадир-будур



Олмасимон Хоразм беҳиси.

ва кенг қиррали. Пўсти юпқа, тукчалар билан зич қопланган. Меваси етилганида оч сариқ тусга киради, октябрь бошида териб олинади, ноябрь ўрталарида ейиш учун ярайдиган ҳолатга келади, январь охиригача бузилмай сақланади. Таркибида 17,04 процент қуруқ модда, 9,98 процент қанд ва 0,27 процент кислота бор.


Мевалари етиштирилган жойнинг ўзида истеъмол қилинади. Бу нав Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда ўстириш учун тавсия қилинади.

Ноксимон Хоразм беҳиси ёки Олмурут беҳи. Асосан Хоразм воҳасида учрайди, лекин олмасимон Хоразм беҳисига нисбатан камроқ ўстирилади.

Мевалари анча йирик, нок шаклида, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 300 грамм; сирти қиррали, йирик, кенг бўртмалар ва жигар ранг тукчалар билан қопланган; қирралари равшан кўриниб туради, пўстини артиш билан тукчалари тўкилиб кетади. Пўсти силлиқ, кўкиш рангли, узилган мевалари бирмунча вақт сақлангандан сўнг сариқ тусга киради.

Эти оқ, сарғиш тусда товланиб туради, зич, бирмунча дағал, донатор, ўртача ширали, салгина хушбўй, бир оз тахир, нордон-чучук.

Ҳосилдорлиги ўртача. Меваси октябрь бошларида терилади. Уни ноябрь ўрталарига бориб еса бўлади, март ўрталаригача бузилмай сақланади. Лекин бу вақтда унга пўст ости доғланиш касаллиги тушиши ҳам мумкин.



Ноксимон Хоразм беҳиси ёки Олмурут беҳи.

Мевасининг таркибида 17,25 процент қуруқ модда, 10,59 процент қанд, 0,63 процент кислота бор. Мазаси ўртача, у асосан мураббо қайнатиш учун ишлатилади.

Бу навни олмасимон беҳи етиштирилаётган областларда, лекин ундан камроқ миқдорда ўстириш тавсия қилинади.

Совхозная навининг дарахти бақувват, серҳосил, бошқа навларникига нисбатан, қишқи совуқларга анча чидамли бўлади. Йил сайин ҳосил беради. 9—12 ёшдаги дарахтларининг ҳар тупидан 64 килограммгача мева олинади. Мевалари янгилигида истеъмол қилишга ҳам, консерва тайёрлашга ҳам ярайди. Йирик, ноксимон, ҳар қайсисининг оғирлиги 350—400 грамм келади. Пўсти сарғиш, ўртача тукли. Эти оқ, сершира, ўртача зич, бир оз нордон. Меваси апрель охирларигача сақланади, узоқ жойларга жўнатишга чидамли.

Бу навни Р. Р. Шредер номли институтнинг илмий ходими А. Н. Лейн етиштирган.

Хушбўй беҳи. Дарахти ўртача баландликда ўсади. 9—12 ёшда ҳар тупидан 27 килограммгача мева олинади.

Меваларининг йириклиги ўртача, оғирлиги 260—300 грамм, шакли ноксимон, думалоқ. Эти оқ, ўртача зич, сершира, жуда туруш, нордон-чучук, ундан ёқимли ҳид бурқиб туради. Консерваси 4 балл билан баҳоланган. Мевалари мартгача яхши сақланади, узоқ жойларга жўнатишга чидамли. (Бу навни А. Н. Лейн етиштирган).

Йирик беҳи. Мевалари жуда йирик, нок шаклида, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги

530 грамм келади, баъзи меваларининг вазни 800—900 граммга етади. Эти оқ, ўртача зич, салгина туруш ва тахир, нордон-чучук, аммо бирмунча вақт сақланганда этининг тахирлиги йўқолади. Мевалари январь-февраль ойларигача бузилмайди, узоқ жойларга жўнатишга жуда чидамли.

Дарахтлари анча бақувват бўлиб ўсади, 9—12 ёшдаги ҳар бир дарахти 15 килограммгача ҳосил беради. Меваларидан жуда яхши консерва тайёрланади. (Бу навни А. Н. Лейн етиштирган).

Десертная нави. Мевалари олмасимон, йирик, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 260—300 грамм келади. Эти оқ, ўртача зич, сершира, салгина туруш, нордон-чучук, ундан ёқимли ҳид бурқиб туради. Мевалари январь-февраль ойларигача яхши сақланади, узоқ жойларга жўнатишга чидамли, 9—12 яшар дарахти 30 килограммгача ҳосил беради. Меваси ҳўллигида истеъмол қилишга ҳам, консерва тайёрлашга ҳам ярайди. (Бу навни ҳам А. Н. Лейн етиштирган).

Нон беҳи. Жайдари нав бўлиб, кўчати ўтқазгандан кейин тўрт йилда ҳосилга киради.

Мевалари йирик, олмасимон, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 300 грамм келади, баъзиларининг вазни 600 граммга етади. Меваларини узаётганда пўсти кўкиш сариқ рангда бўлиб, бирмунча вақт сақланганидан сўнг пишиб, хира сариқ тусга киради. Эти оқ, сариқ тусда товланиб туради, анча майин, ўртача ширали, хушбўй, чучук, салгина нордон.

Йил сайин ҳосил беради. Ҳар бир дарахти 20—50 килограммгача мева қилади. Мевалари сентябрь охири — октябрь бошларида узиб олинади, 15—20 кун ўтгач, обдон етилади ва январь ойигача бузилмай сақланади. Энг яхши десерт навлардан ҳисобланади, мевасидан аъло сифатли консервалар тайёрланади. Бу нави (Р. Р. Шредер номли институтнинг Самарқанд филиалида А. Қ. Павлов етиштирган).

Баҳри беҳи. Мевалари йирик, конус шаклида, қиррали бўлиб, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 300 грамм келади. Етилган меваларининг пўсти ялтироқ, оч сариқ рангда. Эти оч сариқ, сершира, хушбўй, анча майин, нордон, хушмаза, донадорланиб турмайди.

Кўчати, ўтқазилганидан кейин, тўрт-беш йилда ҳосилга киради. Ҳар бир дарахти 30—40 килограммгача ҳосил беради.

Мевалари сентябрь охири — октябрнинг биринчи яримларида узиб олинади. Анча сақлангандан кейин — ноябрь бошларида пишади ва январгача бузилмайди.

Мевасининг таркибида 16 процент қуруқ модда, 10 процент қанд ва 0,58 процент кислота бор.

Компот ва мураббо тайёрлаш учун энг яхши навлардан ҳисобланади. (Бу нави А. Қ. Павлов етиштирган).

Изобильная нави. Кўчати, ўтқазилганидан кейин, икки-уч йилда ҳосилга киради. 6-8 ёшдаги ҳар бир дарахти ўрта ҳисобда 20—35 килограмм, 20—25 ёшда эса 100 килограмм ва ундан ҳам кўпроқ мева беради.

Мевалари ўртача йирикликда, оғирлиги 200—250 грамм, бочкасимон, баъзилари деярли цилиндрсимон. Пўсти оч сариқ. Эти сарғиш, зич, нордон, ўртача ширали, хушбўй, салгина донатор, хушмаза.

Мевалари сентябрнинг охири ва октябрнинг бошларида узиб олинади, 2—3 ҳафта ўтгач, истеъмолад қилиш учун ярайдиган даражада пишади ва декабрь охирларигача бузилмай сақланади.

Меваларининг таркибида 13 процент қуруқ модда, 9,3 процент қанд ва 0,52 процент кислота бор. Улардан аъло сифатли компот ва мураббо тайёрланади. (Бу навни А. К. Павлов етиштирган).

Консервная нави. Кўчати, ўтқазилганидан кейин, тўрт йилда ҳосилга киради. Бу нав анча серҳосил, 5—8 ёшдаги ҳар бир дарахти 30—40 килограмм, баъзилари эса 70 килограммгача мева беради.

Мевалари ўртача катталиқда ва йирик, ҳар қайсисининг оғирлиги 300—600 грамм келади; шакли ноксимондан тортиб то олмасимонгача бўлади. Пўсти силлиқ, оч сариқ, оч қўнғир рангли тукчалар билан қалин қопланган. Эти сарғиш, зич, анча сершира, тахирроқ, нордон, хушмаза.

Мевалари октябрнинг иккинчи ўн кунлигида узиб олинади. 30 кун ўтгач, етилади ва январгача бузилмай сақланади. Улардан консерва тайёрласа бўлади.

Мевасининг таркибида 18 процент қуруқ модда, 6,3 процент қанд, 0,56 процент кислота бор. (Бу навни А. К. Павлов етиштирган).

Нўш беҳи. Дарахти тик шохлар чиқариб ўртача баландликда ўсади. Узун шохлари ҳосилнинг оғирлигидан жуда эгилиб қолади, шу сабабли дарахтларга шакл беришда шохларнинг учини кўпроқ кесиш зарур. Кўчати, ўтқазилганидан кейин, тўрт йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги ўртача, 10—15 ёшдаги ҳар бир дарахти 35—40 килограммгача мева беради.

Мевалари ўртача катталиқда ҳамда йирик бўлиб, ҳар қайсисининг оғирлиги 250 грамм келади, ташқи кўриниши чўзинчоқ — нокка ўхшайди, сирти ғадир-будур ва узунасига қиррали. Узиб олинганда пўсти оч сариқ, қорамтир тилла ранг тукчалар билан қалин қопланган бўлади. Мевалари пишганда пўсти лимон рангига киради. Эти оч сарғиш, ўртача ширали, нордон-чучук, хушбўй ва хушмаза.

Мевасининг таркибида 18,9 процент қуруқ модда, 8,7 процент қанд ва 0,64 процент кислота бор.

Мевалари октябрнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида узиб олинади, ноябрь ойида истеъмол қилишга ярайдиган даражада пишади ва январгача бузилмай сақланади. (Бу навни ҳам А. К. Павлов етиштирган).

БЕҲИНИНГ БОШҚА ЖАЙДАРИ НАВЛАРИ

Аччиқ беҳи. Туруш беҳи деб ҳам аталади. Фарғона водийсининг кўпчилик районларида учрайди. Дарахти ўртача баландликда, баъзан эса бута шаклида ўсади; шох-шаббаси кенг, думалоқ шаклда; йил сайин мўл ҳосил беради.

Мевалари (ялпоқ конус кўринишида)нинг йириклиги ўртача, ҳар қайсисининг оғирлиги

180—190 грамм, сирти салгина ғадир-будур ва аранг билиниб турадиган кенг қиррали. Пўсти юпқа, силлиқ, хира, мевалари узиб олинганда пўсти кўкиш сариқ бўлиб, етилганидан кейин, оч сариқ тусга киради. Сирти тукчалар билан қалин қопланган, мевалар етилгандан сўнг бу тукчалар тўкилиб кетади.

Эти оч сариқ, зич, нордон, ўртача ширали, хушбўй, пишиб етилганидан сўнг ейишга ярайди. Мевалари одатда октябрь охирларида узиб олинади, март ойигача бузилмай сақланади, декабрь ойида еса бўладиган ҳолатга келади. Аммо уларни узишга шошилиш ярамайди, чунки барвақт узилган мевалари сақланаётганда буришиб сифатини йўқотади; пишиб етилганда этининг тахирлиги аста-секин йўқолиб, мазаси яхшиланади. Мевалари, декабрь-январь ойларида истеъмол қилинган маъқул, узоқ жойларга жўнатишга чидамли, консервабоп.

Оқ беҳи. Бу нав Пахта беҳи ёки Нон беҳи деб ҳам аталади, Фарғона водийсининг аксарият районларида камроқ, Қува районида эса кўпроқ ўстирилади.

Дарахти пакана, кўпинча бута шаклида бўлади, йил сайин мева қилади, лекин одатда йил оралатиб мўл ҳосил беради.

Мевалари ўртача катталиқда ва майда, олмасимон, сирти салгина ғадир-будур ва равшан кўриниб турадиган 5 та қиррали, ҳар қайсисининг ўртача оғирлиги 120 грамм келади. Пўсти кулранг тукчалар билан қопланган. Эти оқ, майин, сертола, камшира, сал хушбўй, мазаси ўртача.

Мевалари октябрнинг биринчи ярмида узиб олинади, ноябрда пишиб етилади ва январгача бузилмай сақланади. Оқ беҳи хўраки нав, консерва тайёрлаш учун унчалик мос келмайди.

Чучук беҳи. Асосан Қўқон районида ўстирилади. Мевалари ўртача катталиқда ва йирик, ясси думалоқ шаклда, ҳар қайсисининг оғирлиги 200—210 грамм келади. Сирти силлиқ, салгина қиррали. Эти зич, оч сариқ, ўртача ширали, бирмунча хушбўй, нордон-чучук.

Мевалари сентябрь охирида узиб олинади ва декабргача бузилмай сақланади. Ҳосилдорлиги яхши, лекин меваси ҳар йили мўл бўлавермайди.

Майда беҳи. Бу нав кам учрайди. Дарахти пакана, бута шаклида, сербарг, барглари майда, йил сайин мўл ҳосил беради. Мевалари олмасимон, думалоқ, салгина ялпайиб туради, анча майда, ҳар қайсисининг ўртача вазни 55 грамм келади. Сирти салгина ғадир-будур ва қиррали.

Эти оч сариқ, зич, ўртача ширали, хушбўй, анча нордон. Мевалари октябрнинг иккинчи ярмида узиб олинади ва январгача бузилмай сақланади.

БЕҲИ АГРОТЕХНИКАСИНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўчат етиштириш. Ўзбекистон кўчатзорларида беҳи кўчатлари маданий навларни жайдари беҳи уруғидан ўстирилган кўчатларга ёзда пайвандлаш (куртак пайванд қилиш) йўли билан кўпайтирилади.

Пайвандтаг (кўчат) етиштириш учун уруғ меваларни қайта ишлаётганда олинади. У кўк-ламда экишдан олдин 60—70 кун стратификация қилинади.

Беҳи уруғи кўкламда кўчатзорга 2—3 сантиметр чуқурликда қатор оралари 90 сантиметр қолдириб экилади. Беҳи уруғи экилгандан сўнг 15—18 кунда кўкаради. Бир гектар ерга экиш учун униш даражаси камида 90 процент бўлган 15—20 килограмм уруғ сарфланади. Беҳининг пайвандтаг (ёввойи кўчат)лари ҳам олма пайвандтаглари сингари парвариш қилинади. Унумдор ерларда уруғидан кўкартирилган кўчатзор соз парвариш этилганида куртак пайванд учун ярайдиган яхши кўчатлар ҳосил бўлади. Шунини уқтириб ўтиш керакки, уруғидан кўкартирилган беҳи кўчатлари жуда кўп бачки новдалар ҳосил қилади, ёз мобайнида уларни йўқотиб туриш лозим.

Кўчатзорда уруғдан етиштирилган пайвандтагларга августнинг иккинчи ярмида куртак пайванд қилинади. Бунинг учун эса районлаштирилган навларнинг апробация қилинган дарахтларидан яхши пишган қаламчалар олинади. Бу дарахтлар соғлом, совуққа чидамли ва бир неча йил мобайнида мўл ҳосил берган бўлиши шарт. Синаб, текшириб кўрилмаган дарахтлардан қаламча олинса, беҳизорда кам-ҳосил ва паст сифатли мева берадиган дарахтлар кўпаяди.

Қаламчаларнинг пастки қисмидаги куртаклар яхши ривожланмайди, баъзан кўкармай ҳам қолади, шу сабабли куртак пайванд қилиш учун улардан фойдаланиш ярамайди.

Юксак агротехника қўлланилганда бир йиллик кўчатлар бир неча шох ва яхши ривожланган илдизлар ҳосил қилади.

Ўзбекистонда беҳи кўчатлари нокни пайвандлаш учун ҳам анча кўп ишлатилади. Бироқ ҳамма нок навлари ҳам беҳи кўчатига улангач, ўсиб кетавермайди, яъни баъзилари яхши тутмайди. Пайвандланган нок дарахтлари пакана бўлиб ўсади, кўчат қилингандан кейин уч йилда ҳосилга киради, ёввойи нок кўчатига пайвандланганларига нисбатан, анча йирик ва чиройли мева беради. Беҳига нокнинг Любимец Клаппа, Лесная красавица, Бон Кретьен Вильямс; Оливьеде Серр, Кюре ва бошқа баъзи бир навларини пайвандлаш яхши натижа беради. Беҳига пайвандланган нок кўчатларини унумдор ерларга ўтқазиш, мўл ўғитлаш, мунтазам суратда қондириб суғориш зарур.

Жой танлаш ва боғ ташкил қилиш. Саноат аҳамиятига эга боғларда беҳи дарахтларини айрим майдонларга ўтқазган маъқул, лекин уларни олма боғларида дарахтлар орасига экса ҳам бўлади. Томорқа участкаларда беҳини ариқ бўйлариغا ўтқазиш керак.

Беҳизор учун ажратилган ер плантаж плуг билан 60 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Ерни бутун йил бўйи плантаж қилиб туриш мумкин, лекин, тупроқ етарли даражада чўкиб улгуриши ва унинг бетини яхшилаб текислаш учун, бу иш кўчатларни ўтқазишга 1,5—2 ой қолганда тугалланиши лозим. Боғ ташкил этилган ер плантаж қилинмаган бўлса, кузда 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб, туп-

роқдаги намни сақлаб қолиш мақсадида, эрта кўкламда дискаланади ёки бороналанади.

Эрта кўклам кўчат экиш учун энг яхши вақт ҳисобланади. Кўчатлар чуқурлиги 60 ва кенглиги 75 сантиметр келадиган чуқурларга ўтқазилади.

Саноат аҳамиятига эга боғларга беҳи кўчатлари 5х5 ёки 6х6 метрли схемада ўтқазилади. Бу, қатор ораларини ишлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш олиб боришни механизациялаш имконини беради.

Дарахтларнинг четдан чангланишини таъминлаш учун бир участканинг ўзига бир неча хил беҳи навларини ўтқазиш керак. Бунда асосий навнинг ҳар 6—8—10 қаторидан кейин 1—2 қатор чангловчи нав кўчатлари экилади. Бир нав билан иккинчи навнинг ўртасидаги масофа 50—60 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кўчатлар ўтқазилишидан олдин илдизларнинг шикастланган қисми кесиб ташланади. Шундан сўнг кўчат илдизлари лой билан мол гўнгидан тайёрланган аталага булғаб олинади. Чуқурнинг тубига бирмунча тупроқ уйилиб, унинг устига кўчат ўрнатилади, илдизлар яхшилаб таралгач, тупроқ билан кўмилади. Бунда илдизларга зич тегиб туриши ва орада бўшлиқ қолмаслиги учун тупроқ оёқ билан босилиб зичланади.

Кўчат ўтқазилгандан сўнг, унинг шох-шаббаси буталади, айланасига 30—40 сантиметр баландлик ва 40—50 сантиметр кенгликда тупроқ босилиб, суғориш учун ариқчалар очилади ва дарҳол сув қўйилади. Шўрхок ерларда,

шўрланиш юз бермаслиги учун, кўчатлар айланасига тупроқ босилмайди. Ёзда кўчатлар иккинчи марта суғорилгандан кейин уларнинг айланасидаги тупроқ уюми бузилиб, қатор ораларига сочилади.

Беҳи боғи ташкил этишдан бир йил олдин унинг атрофига шамол тўсадиган дарахт ва буталар ўтқазиб, ихота дарахтзорлар барпо қилинади.

Ёш дарахтларни парвариш қилиш. Кўчатлар яхши тутиб кетиши ва тез ўсиши учун бўз тупроқли ерларда беҳи боғи биринчи йили ёз мобайнида 10—12 марта, тошлоқ тупроқли ерларда эса 18—20 марта суғорилади. Кўчатлар ўтқазилиб бўлгандан кейин ва кузда уларнинг таналари 2 қисм сўндирилган оҳакка бир қисм лой қўшиб тайёрланган эритма билан оқартирилади.

Кузда ҳар бир кўчатнинг ҳолати текшириб кўрилиб, тутмаган ёки касалланганлари ўрнига шу навнинг соғлом кўчатлари ўтқазилади.

Дарахт атрофи кеч кузда чопиб қўйилади, ҳаво анча совуқ бўладиган шимолӣ районларда беҳининг асосий тана ва бутоқлари қўғга ёки қамиш билан ўралади.

Ёш беҳизорда шох-шаббалар жипслашгунча дарахт қатор оралари сабзавот, полиз экинлари, картошка, ғўза ёки беда билан банд қилиб турилади. Беда тупроқ шўрини камайтиради. Шу боисдан шўр босган ерларга уни албатта экиш лозим. Беҳизор қатор ораларида беда икки йил ўстирилгач, ер ҳайдалиб, унинг ўрнига чопиқ талаб экинлар экиш тавсия қилинади. Ҳосилга кирмаган ёш боғлар, қаторла-

рининг ҳар икки томонида дарахтлардан 0,75—1 метр қочириб олинган иккита эгатдан суғорилади.

Ҳосилга кирган дарахтларни парвариш қилиш. Ҳосилга кирган боғнинг ҳар гектарига уч йилда бир марта 20 тонна гўнг (кузги шудгор вақтида) солинади. Ҳар йили кўкламда қатор ораларини ишлаш ёки чизель билан юмшатиш олдидан ҳар гектарига қуйидаги миқдорда минерал ўғит сарфланади: 300 килограмм селитра ёки 450 килограмм аммоний сульфат ва 300—400 килограмм суперфосфат.

Ёзда ҳар бир дарахт 1—1,5 килограмм аммоний сульфат билан 1—2 марта озиқлантирилади. Бунда ўғит дарахтлар айланасидаги эгатларга ёки дарахт танасидан 1—2 метр нарига қазилган 8—10 та чуқурчага солинади. Қўшимча ўғит тарзида, ҳар гектарга 10 бочка ҳисобидан, халажой ахлати ҳам ишлатилади. Аввало, у чуқурга солиниб, 7—10 ҳисса сув билан суюлтирилади, 10 кундан кейин, боғни суғораётганда сув ўша чуқурга қўйилиб, ахлат эритмаси эгатларга таралади.

Ҳосилга кирган боғда қатор оралари шудгор қилиб қўйилади ва 2—3 йилдан кейин уларга бир йиллик дуккакли ўсимликлар — кузги Никольсон нўхати, ловня, вика экилади, бу экинлар гулга кирганда ҳайдаб кўмилиб, ўғит қилинади.

Агар қатор оралари экинлар билан банд қилинмаган бўлса, кузда 20—25 сантиметр чуқурликда шудгорланиб, кўкламда 12—15 сантиметр чуқурликда юза ҳайдалади ёки чизелда юмшатилади. Дарахт қатор оралари, шудгор

қилиб қўйилганда, ёз мобайнидаги суғоришлардан кейин 10—12 сантиметр чуқурликда 3 марта культивация қилинади, дарахт айланалари кетмонда юмшатилиб, бегона ўтлар йўқотилади. Дарахт қаторлари бўйига, улардан 1 метр қочириб, 15—20 сантиметр чуқурликда эгатлар олинади, уларнинг ҳам ораси 1 метрдан бўлади. Ҳар галги суғоришда гектарига 750—1000 кубометр сув сарфланади.

Дарахтларни суғораётганда қатор ораларидаги экинлар ҳам бир йўла сув ичади.

Тупроқ шароитига қараб, ёш боғлар ёз мобайнида 6—8, ҳосилга кирганлари эса 3—4—5 марта суғорилади, қишда уларга 1—2 марта яхоб берилади.

Дарахтларни буташ ва уларга шакл бериш. Баъзи хўжаликларда айрим беҳи дарахтлари ўртачадан баландроқ бўлса ҳам, Ўзбекистонда асосан пакана танали беҳи дарахти ўстирилади. Профессор П. Г. Шиттнинг таъкидлашича, беҳи дарахтларининг ҳаёти: ўсиш, мева тугиш ва шох-шаббанинг аста-секин қуришидан иборат учта даврга бўлинади. Биринчи давр 9—10, иккинчиси 11—35 ва учинчиси 35—50 йил давом қилади. Беҳи дарахтларини парвариш этишни шу даврларни ҳисобга олган ҳолда уюштириш зарур.

Шох-шаббаларга шакл беришга кўчатзордаёқ киришилади: косача усули ёки ҳар кўчатда 4—7 та шох қолдириладиган яруссиз система қўлланилади. Кўчатзордаги беҳи пайвандустларининг бўйи 60—70 сантиметрға етиши биланоқ уларнинг учлари чилпиб ташланади. Асосий тана 40—50 сантиметр, асосий

шоҳлар ўсиб чиқиши учун тана айланасида 10—15 сантиметр оралатиб 3—4 та куртак, кейинчалик 20—25 сантиметр оралатиб яна 3—4 та асосий шоҳ қолдирилади. Бу шоҳлар пастки 3—4 та асосий шоҳлар устидаги оралиқларда бўлади. Ҳамма асосий шоҳлар вужудга келгандан сўнг юқорига қараб ўсаётган марказий тананинг учи кесиб ташланади; агар у ён томонга қараб ўсаётган бўлса, кесмай қолдирилади. Тананинг биринчи асосий шоҳдан пастдаги қисмида ҳосил бўлган новдалар кесиб ташланади, асосий шоҳлар орасидаги новдаларнинг бўйи 10—12 сантиметрга етганда учлари чилпилади. Кейинчалик улар йўғонлашади.

Кўчатларни боққа ўтқазгандан сўнг, новда учлари, узун-калталигига қараб — масалан, 20—25 сантиметр келадиган новдаларнинг ярми, 50 сантиметрдан узун новдаларнинг эса ярмидан кўпроғи — кесилади. Шундай қилганда кўчатларда кўплаб ён новдалар пайдо бўлади ва дарахт тезроқ ҳосилга киради.

Кейинчалик зўр бериб ўсаётган шоҳлар ёз мобайнида икки марта чилпилади, натижада шоҳларда 7—8 та барг пайдо бўлади ва ён новдаларнинг ривожланиши анча тезлашади.

Ҳосилга кирган ёш дарахтлар, ёзги чилпишдан ташқари, қишда ҳам буталади, бунда шоҳ-шабба ичкарисисидаги ортиқча, касал, қуриган ва шикастланган шоҳ-бутоқлар кесиб ташланади. Агар дарахтлар ёзда чилпилмаган бўлса, узун ўсган бир йиллик новдалар, тубига яқин қисми яланғочланиб қолмаслиги учун, қисқартирилади.

Кучидан кетиб қолган 12—14 ёшлик дарахт бутоқлари 4—5 йиллик қисмигача кесилиб ёшартирилади. Буталгандан кейин, икки йил мобайнида, бундай дарахтларнинг ҳолати яхшиланади ва ҳосилдорлик жиҳатидан улар бошқа дарахтлар билан тенглашиб қолади. Дарахтлар қишда, хазон резгидан кейин, кўк-ламги шира ҳаракати бошлангунча илиқ кунларда буталади.

Дарахтларни парвариш қилиш. Илдиз бачкилари ёз мобайнида икки марта — май ва август ойларида кесиб ташланади. Қуз ва кўк-ламда дарахтларнинг таналари ҳамда асосий бутоқларнинг танага яқин қисмлари 1 процентли мис купороси қўшилган сўндирилган оҳак эритмаси билан оқартирилади. Кўк-ламги оқартишдан олдин дарахт таналари ва асосий бутоқлар қуриб қолган пўстлоқдан тозаланади. Бундай оқартиш дарахтларни совуқ ва офтоб уришдан асрайди. Совуқдан сақлаш мақсадида ёш дарахтлар похол ёки қамиш билан ўралади.

Беҳи дарахтларига асосан мева қурти, тўрвали куя ва қалқондор зарар етказди. Бу зараркунандаларни йил сайин йўқотиб туриш керак. Тўрвали куяга қарши, дарахтлар куртак ёзгунча, март ойида 5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ИСО), қалқондорни йўқотиш учун эса февралнинг илиқ кунларида — март бошларида сув қўшиб тайёрланган 5 процентли минерал мой эмульсияси пуркалади. Мева қуртига қарши дарахтлар ёз мобайнида 0,3 процентли ДДТ кукунининг сув аралаш эритмаси билан 3—4 марта дорилана-

ди. Бу эритма биринчи марта дарахтлар гуллаб бўлгандан сўнг, иккинчи марта биринчисидан 7—8 кун ўтгач, учинчи марта июннинг иккинчи ярмида ва тўртинчи марта июль охири — август бошларида пуркалади.

Майнинг иккинчи ярмида мевалар ғўралигича тўкила бошласа, дарахтларнинг танасига қанор газламадан туткич белбоғлар боғланади ва улар ҳар 7—10 кунда текширилиб, белбоғларга тўпланган зараркунандалар йиғиштириб олиниб йўқотилади.

Ҳосилни парвариш қилиш, меваларни узиб олиш ва сотиш. Ҳосил мўл бўлганида дарахт қаторлари бўйига тирговучлар қўйилади. Бу иш мумкин қадар эртароқ, мева тугунчалари пайдо бўлиши биланоқ, май ойида амалга оширилиши лозим. Тирговичлар кеч қўйилганда мевалар яланғочланиб қолади, уларни офтоб уради, меваларнинг бир қисми тиргович қўяётганда тўкилиб кетади.

Беҳининг нави ва ўстирилаётган районига қараб, мевалари тўла етилганда — сентябрь охиридан ноябрь бошигача узиб олинади. Барвақт узилган мевалар кейинчалик яхши пишиб етилмайди ва сақлаш вақтида бузилади. Меваларнинг пишиб етилганлиги пўстининг ранги ўзгаришига қараб аниқланади: етилган меваларнинг пўсти яшил рангдан, ҳар навнинг ўзига хос равишда, сарғиш рангга киради. Беҳининг пўсти анча нозик бўлади, салгина заҳаланганида ҳам этига чиритувчи бактериялар киради ва уни чиритади. Шу сабабли меваларни жуда эҳтиётлик билан узиб олиш зарур. Беҳи мевалари, ичига қанор газлама

тикилган ёки қалин қоғоз ёзилган, челақ ва саватларга терилади. Кечпишар навларнинг захаланмаган мевалари 5—6 ой ва янада узоқроқ вақтгача бузилмай сақланади.

Узиб олинган мевалар хилланиб, яшиқларга жойлангандан сўнг сақлаш ёки сотиш учун жўнатилади.

Беҳини хиллаётганда мевалар ташқи кўриниши жиҳатидан олмасимон ва ноксимон турларга, сифат жиҳатидан икки хил товар сортига, катта-кичиклигига қараб 3 хил (майда, ўртача катталиқда ва йирик)га ажратилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕҲИНИ РАЙОНЛАШТИРИШ ВА БЕҲИЗОРЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Табий шарт-шароит ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини эътиборга олиб, саноат аҳамиятидаги беҳизорларни Ўзбекистоннинг айрим область ва районларида қуйидагича жойлаш тавсия қилинади.

Тошкент областида беҳини Тошкент шаҳари атрофида, Янгийўл ва бошқа районларда ўстириш яхши натижа беради.

Беҳи сизот сувлар чуқур жойлашган ерларда, асосан Чирчиқ дарёсининг юқори террасасида ўстирилиши керак. Бошқа районларда у маҳаллий эҳтиёжлар учун етиштирилади.

Фарғона областида саноат аҳамиятидаги беҳизорлар ташкил қилиш учун Қўқон, Қува, Охунбобоев районлари мос келади.

Андижон областида йирик беҳизорларни Наманган, Андижон, Хўжаобод районларига жойлаш тавсия қилинади.

Самарқанд областидаги Самарқанд ва Пастдарғом районларининг сув билан яхши таъминланган ерларида саноат аҳамиятидаги беҳизорлар ташкил этиш мумкин. Бироқ, беҳи кўчатларини Зарафшон дарёсининг қайрига эмас, балки юқори террасасига ўтқазиш керак.

Бухоро области пахтачилик зонаси ҳисобланади, унинг тупроқ-иқлим шароити беҳи ўстириш учун жуда мос келса ҳам, бу ерда саноат аҳамиятидаги беҳизорлар барпо қилиш маъқул кўрилмайди. Томорқа участкалари ва колхоз боғларида кичкина беҳизорлар ташкил этса бўлади. Шу билан бирга «Ғалла-осиё» совхозида ва янги ташкил қилинаётган боғдорчилик-сабзавотчилик совхозларида ҳам беҳизорлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Сурхондарё областининг тупроқ-иқлим шароити ва сув ресурслари саноат аҳамиятидаги беҳизорларни, асосан Денов, Шеробод ва Бойсун районларининг тоғ этакларидаги хўжаликларида ривожлантириш имконини беради.

Қашқадарё областида сув камчил, шу сабабли беҳи маҳаллий эҳтиёжлар учунгина етиштирилади. Бироқ, Китоб-Шаҳрисабз группа районларидаги сув билан яхши таъминланган ерларда, шаҳар атрофидаги хўжаликларда беҳи асосий мева дарахти тарзида ўстириш учун тавсия қилинади.

Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда беҳини маҳаллий эҳтиёжлар учунгина ўстирса бўлади.

Беҳи — Ўзбекистоннинг ҳамма районларида қадимдан бери (нисбатан кичик майдонларда, ёки якка дарахт сифатида) ўстириб келинади. Ҳар бир колхоз ва совхозда дарахтларни парваришlashда сермеҳнат ишларни тўла механизациялаш, зараркунандаларга қарши кескин кураш олиб бориш, меваларни йиғиб-териб олиш ва сотишни тўғри уюштириш имконини берадиган, товар маҳсулот етиштириладиган беҳизорлар ташкил этиш зарур. Йирик шаҳар ва консерва заводлари атрофида катта-катта беҳизорлар яратиш лозим.

М У Н Д А Р И Ж А

Беҳининг келиб чиқиши ва ботаник таърифи . . .	5
Беҳининг биологик хусусиятлари	6
Беҳи навлари	15
Беҳининг бошқа жайдари навлари	32
Беҳи агротехникасининг ўзига хос хусусиятлари .	34
Ўзбекистонда беҳи навларини районлаштириш ва беҳизорларни кенгайтириш истиқболлари	44

На узбекском языке

В. В. Кузнецов

АЙВА УЗБЕКИСТАНА

Перевод с издания издательства „Узбекистан“

Издательство „Узбекистан“—1967

Отпечатано в типографии „Ударник“, г. Наманган

Таржимон Г. Хасанов
Редактор М. Шарипов
Техредактор Т. Аббосов
Корректор М. Силикова

Теришга берилди 15-VIII 1966. Босишга рухсат этилди 4-IV 1967.
Формати 70x90-1-32. Бос. л. 1,5. Шартли бос. л. 1,75. Нашр. л. 1,6.
Тиражи 3000. „Узбекистон“ нашриёти, Тошкент. Навоий, 30.
Шартинома № 390—65.

УзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг
Намангандаги „Ударник“ босмахонасида босилди.
Заказ № 9 Баҳоси 7 т.